


## Савдода ростгўйлик муҳим



06:00 / 30.05.2022 4934

**Савдогарнинг ростгўй бўлмоғи унинг бу дунёси ва охирати учун шарафли унвондир.**

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ростгўй, омонатли тожир набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Савдогар одам ўзининг савдогарлиги воситасида қиёмат куни, ҳамма ташвишда қолган бир пайтда Аллоҳ таолонинг энг шарафли бандалари – набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлиш имконига эга бўлар экан. Бу улкан имкониятга эга бўлиши учун эса савдогар киши ростгўй ва омонатли бўлиши шарт экан. Ростгўйлик ҳар доим ўз эгасига яхшилик келтиради. Аммо савдогарнинг ростгўйлиги алоҳида аҳамиятли яхшиликни – қиёмат куни набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлишдек улкан яхшиликни келтирар экан. Омонатли бўлиш, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик ҳар доим ўз эгасига яхшилик келтиради. Аммо савдогарнинг омонатли бўлиши, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслиги алоҳида аҳамиятли яхшиликни – қиёмат куни набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлишдек улкан яхшиликни келтирар экан.

Шунинг учун барча савдогарлар ўзларининг касбларидаги бу улў имкониятни англаб етишлари ва ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишлари лозим.

***“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан***